2025-yil
25-fevral
seshanba
№25
(5089)

# Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



■ Иқлим

## Ҳафта давомида ёғингарчилик

**«Ўзгидромет»нинг хабар беришича, ушбу ҳафта давомида юртимиз ҳудудида об-ҳавонинг кескин ўзгариши кутилмоқда.**

25 февраль куни шимолда ва чўл ҳудудларида, 26 февралда мамлакатимизнинг қолган ҳудудларида ёмғир қорга айланади. Баъзи жойларда ёғингарчилик кучли бўлади.

Айрим жойларда шамол тезлиги 15-20 метр/сониягача, баъзида 23-25 метр/сониягача кучайиши мумкин.

Юртимизнинг баъзи жойларига туман тушади.

25-27 февраль кунлари **0...+5** даражагача аста-секин пасаяди. 26-27 февраль кунларига бориб, кечалари ҳарорат **0...–5** даражагача тушади.

Шимолий ҳудудларда ҳарорат асосан кечалари **–4...–9** даража, кундуз кунлари **–3...+2** даража бўлади.

■ Статистика



## 2025 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОННИНГ 154 ТА МАМЛАКАТИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИБ, ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ ҲАЖМИНИ 4,5 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИГА ЕТКАЗГАН.**

**Статистика агентлиги маълумотларига кўра, ташқи савдо айланмаси ҳажми 2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда**

**297,2**

**миллион АҚШ долларига ёки 7,5 фоизга ошган.**

Унинг нисбатан салмоқли ҳиссаси **Хитой (22,1 %), Россия (17,7 %), Қозоғистон (7 %), Туркия (4,7 %) ва Корея Республикасида (3,8 %)** қайд этилган.

**154 та МАМЛАКАТ БИЛАН 4,5 млрд. ДОЛЛАРЛИК САВДО АЙЛАНМАСИГА ЭРИШДИ**

EXPORT **1,3** миллиард доллар

**3,2** миллиард доллар IMPORT

**ФАКТ**

**РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 36 795 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 24 ФЕВРАЛЬ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, 11 001 ТАСИДА (29,7 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТКАЗИЛДИ.**



Шу мавзуга доир мақолани 2-саҳифада ўқинг!



# ОМОНАТ КАФОЛАТИНИ МУСТАҲКАМЛАГАН ҲУЖЖАТ

**Президентимиз 2025 йил 18 февраль куни «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги қонунни имзолади. У қабул қилинган кунидан эътиборан кучга кирди. Хўш, бу қонунга қачон ва нима сабабдан зарурат сезилди? Омонатларни кафолатлаш бўйича олдинги вазият қандай эди? Ҳужжатдан кутилаётган ижобий натижалар нималардан иборат?**

Сир эмас, охирги йилларда банк-молия соҳасида амалга оширилганислоҳотлар туфайли ушбу муассасаларга ишонч ортди. Буни фуқароларнинг банкларга қўйилган омонатлари ҳажми аввалгига нисбатан кўпайгани тасдиқлаб турибди. Маълумотларга кўра, ҳозир жами депозитлар миқдори 308,6 триллион сўм (2017 йилда ушбу кўрсаткич 37 триллион сўм)ни ташкил этади. Шундан 122,5 триллион сўми жисмоний шахсларнинг депозитлари ҳисобланади.

Умуман олганда, банкларда омонатларни сақлаш пассив даромад топиш усулларидан бири. Бундан кўпроқ банкларга фойда келиши, яъни улар бу орқали қўшимча даромад топиши, ўз мижозларини янада кўпайтириши мумкин.

Аслида омонатлар кафолати, ундан исталган пайтда фойдалана олиш масаласи муҳим саналади. Ўзбекистонда яқин йилларга қадар банкка омонат қўйиш ва ундан фойдаланишда бир қатор муаммолар мавжуд эди. Масалан, қайсидир банк маълум сабабларга кўра, фаолиятини тўхтадиган бўлса, омонатчи ўз омонатини уч ойдан сўнг қайтариб олиши мумкин эди. Қисқаси, мижозлар омонатидан исталган пайтда фойдалана олишмасди. Уни кафолатлаш тизими мавҳум эди. Янги ҳужжат билан ушбу муаммолар ижобий ечим топадиган бўлди.

Маълумки, омонатларни сақлаш, уларнинг кафолатлаш масалалари шу пайтгача 2002 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиб келинаётган эди. Жаҳон банки экспертлари мазкур ҳужжатни Омонатларни кафолатловчилар халқаро ассоциациясининг (IADI) асосий тамойилларига нечоғлик мувофиқлигини ўрганиб, ўн олтита тамойилдан фақатгина иккитаси (12,5 фоизи) мос келишини кўрсатиб ўтди ва унда қуйидаги бир қатор муҳим масалалар эътиборга олинмаган деб топди.

Биринчидан, ўша қонунда фақат фуқаролар (жисмоний шахслар) омонатлари кафолатланиши назарда тутилган бўлиб, бу амалиёт бизнес учун татбиқ қилинмаган. Иккинчидан, омонатларни қайтариш муддати уч ойдан сўнг бошланиши белгиланган. Учинчидан, фуқаролар омонатлари тўлиқ ҳажмда кафолатланмаган. Бу эса банклар ўртасида носоғлом рақобат муҳити пайдо бўлишига, яъни банклар ўзининг барқарор фаолияти билан эмас, аксинча, омонатлар бўйича юқори фоиз ставкалари билан рақобатлашишига олиб келган.

Мана шу камчиликлар янги қонунни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш зарурлигини кўрсатди ва у билан қатор муҳим ўзгаришлар жорий қилинди. Хусусан, энди омонатларни тўлиқ кафолатлаш тизимидан воз кечилиб, унинг кафолатланган миқдори 200 миллион (15,4 минг доллар эквивалентида) сўм этиб белгиланди.

Кези келганда айтиш жоиз, омонатларни тўлиқ кафолатлаш тизими 108 та давлатдан фақат Ўзбекистон, Туркманистон ва Беларусда мавжуд. Бу миқдор Қозоғистонда 9,7-38,6 минг доллар, Молдовада 10,7 минг доллар, РФда 14,3 минг доллар, Туркияда 24,6 минг долларни ташкил этади.

Янги қонун, шунингдек, тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг омонатларини ҳам кафолатлайди. Омонатларни қайтариш муддати босқичма-босқич 3 ойдан 7 кунга туширилади. Чунончи, қонун кучга кирган кундан бошлаб, 20 иш кунида, 2026 йил 1 январдан 15 иш кунида, 2027 йил 1 январдан 7 иш кунида тўланади. Борди-ю қайсидир банк ўз фаолиятини тўхтатса, омонатларнинг нафақат асосий суммасини, балки банк тугатилгунга қадар омонат бўйича ҳисобланган, бироқ тўлаб берилмаган фоизларни ҳам олиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, омонатларни кафолатлаш агентлиги ташкил этилиб, ваколатлари кенгайтирилмоқда. Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик бузилиши жиддий қоидабузарлик сифатида баҳоланмоқда. Жорий қонунга риоя қилмаган банклардан соф фойданинг 2 фоизи ёки банк жами капиталининг 0,5 фоизи миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундирилиши мумкин. Қолаверса, эндиликда лицензияга эга барча банклар кафолатлаш тизимида иштирок этиши шартлиги белгиланди.

Яна бир муҳим жиҳат. Ушбу ҳужжат жисмоний шахс бўлган омонатчиларга уларнинг муддатли ва жамғарма омонатлари бўйича суммасидан қатъи назар, ҳеч қандай ўзгаришларга олиб келмайди. Яъни амалда тўлиқ кафолатлангани сингари қонун қабул қилинганидан кейин ҳам мазкур омонатчиларнинг маблағлари омонат муддати тугагунга қадар тўлиқ кафолатланган бўлади.

Қонун банклар ўртасида соғлом рақобат пайдо бўлишига ҳам хизмат қилади. Эндиликда улар омонатлар тўлиқ кафолатланмаслигини инобатга олиб, таваккалчилиги юқори бўлган фаолиятдан ўзларини тийишади. Тадбиркорларнинг омонатлари ҳам кафолатланиши уларнинг ўз маблағлари ҳақида хавотирланмасдан фаолият юритишини таъминлайди.

Кўпчиликда, «Омонатларни кафолатлаш нима учун керак ва уларни маълум миқдорда кафолатлашнинг муҳим жиҳатлари нималардан иборат? Омонат миқдори 200 миллион сўмдан ошса, қандай кафолатланади?» деган саволлар туғилиши мумкин.

Марказий банкнинг маълум қилишича, бундан кўзланган асосий мақсад – омонатчиларни ҳимоя қилиш, яъни банк тугатилган тақдирда, омонатчиларга уларнинг маблағларини қайтариш, шунингдек, банкларни юқори фоиз ставка билан эмас, балки барқарор фаолият билан рақобатлашишини таъминлаш. Омонат миқдори 200 миллион сўмни ташкил этади деган гап банкка ундан кўпроқ пул қўйиш мумкин эмаслигини англатмайди. Бу миқдорда кафолатлаш эса фақатгина банк тугатилган тақдирдагина қўлланилади, бошқа ҳолатда банклар омонат бўйича ўз мажбуриятларини шартнома асосида бажараверади.

Дарвоқе, 200 миллион сўмлик кафолат уй-жой хариди учун киритилган улушларга ҳам тааллуқли.

Таҳлиллардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ушбу қонун ҳам банклар, ҳам мижозлар фойдасига бирдек хизмат қилади.



Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган**

**12-11**

**қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**



www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

*Эркинлик бу ёлғон гапирмаслик ҳуқуқидир.*
*Альбер КАМЮ*



# ЕТАКЧИЛИККА САРАЛАР САРАЛАБ САЙЛАНЯПТИ



**«Ўткан кунлар» асаридаги Юсуфбек ҳожининг «Бу даргоҳдан ҳеч бир киши норизо бўлиб кетган эмас», деган гапи касаба уюшмаларига нисбатан қўлланилиши бежиз эмас. Чунки ишчи-ходимларнинг яхши-ёмон кунларида, бошига иш тушганида уларга елкадош бўлган касаба уюшмасига ишонч ҳам ўзгача. Бунинг исботини Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида кўриш мумкин.**

Конференциядан аввал жамоа шартномаси орқали ўтган йили амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Хусусан, ҳар бир ходим олган бевосита ва билвосита даромад миқдори 10 млн. 43 минг сўмни ташкил этди. 4 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимга 6 млн. сўмдан зиёд ҳамда иш берувчи маблағлари ҳисобидан 36 млн. сўм моддий ёрдам берилди.

Албатта, бу борада амалга оширилган эзгу ишлар кўламини узундан-узоқ рақамларда келтириш мумкин. Аслида уларнинг асл мазмун-моҳияти ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, бандлик, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари маънавиятини юксалтириш ҳамда соғломлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бирлашма касаба уюшма қўмитасида 2 минг 420 нафар аъзо бор. Шундан шифокорлар 242 нафарни, ўрта тиббиёт ходимлари 1 580 нафарни, кичик тиббиёт ходимлари 425 нафарни ҳамда бошқа ишчилар 160 нафарни ташкил этади. Албатта, шундай катта жамоанинг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Конференцияда ўтган 5 йил давомида 7895 та мурожаат келиб тушгани, аризаларнинг 3814 таси қаноатлантирилгани, 4080 тасига тушунтириш берилгани, умуман, касаба уюшмалари уларнинг дарду ташвишларини арита олишига катта ишонч билдирилаётганида ҳам кўриш мумкинлиги эътироф этилди.

Эътиборли жиҳати, ҳисобот-сайлов конференциясида қўмита раисини муқобиллик асосида сайлаш жараёни шунчаки расмиятчилик ёки қуруқ гап-сўзлардангина иборат бўлмади. Ҳамкасблар ўз фикр-мулоҳазаларини дадил айтишиб, муносиб номзодга овоз беришди.

– Шахсий ҳаётимда бирданига кўп йўқотишлар бўлди. Хасталигим сабаб ариза ёзиб, ишдан бўшадим, – дейди туман кўп тармоқли поликлиникаси шифокори Фароғат Абдуллаева. – Шундай синовли пайтда туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шаҳноза Кимёназарова «Опа, сиз бизга кераксиз», дея олти ой ичида бир неча марта олдимга келди. Ҳаёт зарбалари олдида менга далда бўлди. Бир оғиз ширин сўз билан ишимга қайтдим. Ҳаётимни изга солиб олиш учун касаба уюшмаси моддий ёрдам кўрсатди, «Оқтош» санаторийсида даволандим. Ана, энди ўзингиз айтинг, шундай дарёдил инсонни етакчиликка сайламай бўладими?!

Шу куни уч соатдан зиёдроқ давом этган ҳисобот-сайлов конференциясида ҳамкасблар келгуси режалар ҳақида ҳам келишиб олишди. Қолаверса, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханапияевнинг ушбу йиғилишда қатнашиши кўпгина муаммоларга ойдинлик киритди.

Айни вақтда Наманган вилоятида 2360 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, уларнинг сафига 486 183 нафар аъзо жалб этилган. Бу дегани, етакчилар зиммасига шунча ишчи-ходимнинг меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдай масъулиятли вазифа юклатилган. Шу кунгача 746 та ташкилотда ишонч билдирилган номзодларга овоз берилди. Муҳими, меҳнат жамоаларида етакчилик лавозим эмас, масъулият эканлигини ҳис қилиб фаолият юритадиган, кўпчиликнинг ташвиш, ўйларига далда бўла оладиган фидойилар саралаб, сайлаб олиняпти.

Шу ўринда мулоҳаза учун фикр: баъзи ҳисобот-сайлов йиғилишларида жамоа шартномасидан бехабар, ломмим, демасдан тош тишлагандек ўтирганлар ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки, бу сингари йиғинларда иш берувчи олдида Жамоа шартномасига киритилиши зарур бўлган имтиёзлар ҳақида баҳс-мунозаралар бўлиши керак эди. Ҳамкасблар биргаликда, ҳамфикрликда ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли тиклай олишлари мумкин. Йиғилишларнинг бирида совуқ хонада жунжикиб ўтирган ишчилардан биронтаси нега хоналар иситилмайди, деган саволни қўймаганига таажжубландим. Чунки иш берувчининг биринчи галдаги вазифаси ходимларга муносиб иш шароити яратишдан иборат эмасми?!



**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*

# БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДАН МАВСУМДАН БОШҚА ПАЙТ ҲАМ ФОЙДАЛАНИЛАДИ

**Ўтган йили Хоразмда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментига қарашли 4 та оромгоҳ фаолият кўрсатиб, уларда 3200 нафарга яқин болажонлар дам олдирилган эди. Эндиликда навбатдаги ёзги мавсумга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**

Шунингдек, оромгоҳлар биноларидан мавсумдан бошқа пайтларда ҳам унумли фойдаланиш чоралари белгиланмоқда. «Урганч» болалар соғломлаштириш оромгоҳида тикувчилик цехи ташкил қилиниб, 4 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Улар айни пайтда янги мавсум учун кўрпа-ёстиқ жилдлари тикишмоқда.

Бу йил оромгоҳларимиз сони яна биттага ортади. Ҳозир янги бунёд этилаётган «Хумо» оромгоҳида қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Мақсад болажонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялашдир.

**Руслан БОБОЖОНОВ,**
*Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи*



# МЕҲНАТ ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА

**Қишнинг совуқ кунларида иссиққина уйда, оила даврасида ўтиришнинг гашти бўлакча. Ишдан ҳориб қайтгач, тўкин дастурхон атрофидаги дилтортар суҳбатлар кишига ўзгача ҳузур бағишлайди. Бироқ шундай касб эгалари борки, улар изғиринли совуқда ҳам ишда бўлишади. Хонадонларда ўчиб қолган электр ёки табиий газ таъминотини тиклаш ишларини қисқа фурсатларда ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида уддалашади.**

Бу соҳа ходимларини баъзида ишга масъулиятсизликда ҳам айблаймиз. Бироқ табиий газ таъминотида рўй берган ҳолатларни бартараф этишда тунни тонгга улаётганларнинг машаққатли меҳнатидан кўз юммаслик даркор.

Жиззах шаҳридаги «Зилол» маҳалласи ҳудудида истеъмолчилар фойдаланиши учун мўлжалланган табиий газ тармоқларини тартибга солиш, таъминотни яхшилаш учун шаҳар ва тумангаз корхоналаридан жалб қилинган 50 нафардан иборат ишчи-ходимнинг меҳнати яна бир бор қадр топди. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида бошланғич касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган тушлик барчанинг кўнглига илиқлик киритди. Иссиқ чой ва ширинликлар устида қурилган суҳбат эса «Маънавият соати»га уланиб кетди.

Биргина бу эмас. «Ҳудудгаз Жиззах» газ таъминоти филиалида ходимларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишларини ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзига йўналтириш мақсадида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Яқинда ходимлар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Қўлдош ҲАСАНОВ,**
*«Ҳудудгаз Жиззах» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси раиси*

# ВАКИЛГА ВАКОЛАТ БЕРИЛГАН, АММО...

**Меҳнат муҳофазасини таъминлаш залвори жамоатчи вакил гарданига тушади. Жамоадаги муҳитга масъул этиб белгиланган шахс асбоб-анжомларнинг хавфсизлик даражасидан тортиб ноқулай меҳнат шароитида ишлаётганлар аҳволига қадар жавобгар. Хўш, бу вазифа юклатилган мутасадди ишга қандай ёндашяпти? Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат инспекцияси бу масалани муттасил таҳлил этиб келмоқда.**



– Аниқланган 93 ҳолатдаги камчилик жойида бартараф этилди, – дейди соҳа ходимлари касаба уюшмаси меҳнат техник инспектори Муҳаммад Сатторов. – Тизимда камчиликлар йўқ эмас, албатта. Айрим меҳнат муҳофазасига масъул жамоатчи вакиллар ўз вазифаларини лозим даражада бажаришмаган. Камчиликларни тавсиялар билан бартараф этиш мушкул кечди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда «Касаба зиё» ўқув маркази кўмагида бир қатор ўқув-тажриба амалиётлари ташкил этиб, жамоатчилик комиссияси ишини йўлга қўйиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ва соҳага оид тегишли билимларни бойитишга муваффақ бўляпмиз.

Инспекция талаби билан ўтган йил давомида тиббиёт муассасаларида ноқулай меҳнат шароитларида ишловчи 685 нафар ходим 109 миллион 114 минг сўмлик махсус кийим-бош билан таъминланди. Хусусан, вилоят санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги бошқармаси, руҳий касалликлар шифохонаси, Самарқанд шаҳар ва Булунғур туман тиббиёт бирлашмаларига ўхшаш ўнлаб муассасаларда махсус кийим, бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, зарарли меҳнатдаги ходимларни сут маҳсулотлари билан таъминлаш борасида камчиликлар бартараф этилди.

Жорий йил режасига мувофиқ республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-маркази Самарқанд филиалида жамоатчилик назорати амалга оширилди. Ўрганишда муассасада 100 нафар тиббиёт ходими 56 нафар техник ходим махсус кийим билан таъминланмагани аниқланди. Марказ мутасаддилари билан олиб борилган музокаралар натижасида шу йилнинг январь ойида барча ходимларга юмуш бажаришда асқатадиган воситалар олиб берилишига эришилди.

Инспекцияга эса, табиийки, Самарқанддаги бир неча юзлаб тиббиёт муассасаларни қамровга олиш осонмас. Барча ташкилотларда касаба уюшмаси ва жамоанинг ишонган вакиллари жонбозлик кўрсатмаса бўлмайди. Мўътадил меҳнат муҳитини шакллантириш, маъмурият олдига кескин талаблар қўйиш орқали иш унумдорлигини ошириш бевосита ана шу жамоатчилик ҳаракатига ҳам боғлиқ.



**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*

# ОЛАМДА БУГУН

## Рим Папаси оғир аҳволда

**Рим Папаси Франциск нафас йўллари хасталиги хуружи сабаб касалхонада қолмоқда.**

«Кризис анча енгиллашди, аммо понтификка ҳали ҳам тиббий ёрдам зарур», деб ёзади «Il Messaggero» нашр Ватикандаги манбаларга таяниб.



## Илон Маск ташаббуси бойкот қилинди

**Энг йирик касаба уюшмалари ва давлат муассасалари Илон Маскнинг фаолият тўғрисида ҳисобот тақдим этиш талабини бажаришдан бош тортди.**

Аввалроқ Маск Давлат бошқаруви самарадорлиги департаменти (DOGE) раҳбари сифатида барча федерал хизматчиларни бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот топширишга мажбурлаб, акс ҳолда, ишдан бўшатиш билан таҳдид қилган эди.

Федерал тергов бюроси, Миллий хавфсизлик агентлиги ва Давлат департаменти ўз ходимларига Маскнинг электрон хатларига жавоб беришни тақиқлади. Касаба уюшмалари ҳам давлат хизматчиларини бу буйруқни эътиборсиз қолдиришга чақирди.





## Германияда сайловлар

**Дастлабки расмий маълумотларга кўра, Германия Бундестагига ўтказилган сайловларда Фридрих Мерц бошчилигидаги Христиан-демократик иттифоқ (ХДИ) – Христиан-ижтимоий иттифоқ (ХИИ) блоги ғалаба қозонди. «Германия учун муқобил танлов» (AfD – Alternative für Deutschland) партияси ўз тарихидаги энг яхши натижани кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллади. Олаф Шольц раҳбарлигидаги Германия социал-демократик партияси эса мағлубиятга учради.**

Германия Федерал сайлов комиссияси маълумотларига кўра, ХДИ/ХИИ блоги 28,6 фоиз овоз тўплаган, бу социологик тадқиқотлар ва экзитполлар тахминларига тўғри келади. Блок етакчиси Фридрих Мерц ўз ғалабасини эълон қилди.

Иккинчи ўринни 20,8 фоиз овоз билан «Германия учун муқобил танлов» партияси эгаллади. Бу – партия тарихидаги энг яхши кўрсаткич. Энди Алиса Вайдель бошчилигидаги ҳуқуқчи популистлар Бундестагдаги депутатлар сонини икки баравар оширишлари мумкин.

Олаф Шольц раҳбарлигидаги ҳукмрон партия эса ўз тарихидаги энг ёмон натижани қайд этиб, 16,4 фоиз овоз олди.



# ҚАШҚАДАРЁ

## БИЗГА КЕРАК ЭМАСМИ?

**АСРИМИЗНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИДАН БИРИ СУВ ТАНҚИСЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БУ ТАҚЧИЛЛИК МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲАМ ҚАТОР МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА. СУВНИНГ МИНЕРАЛ ҲОЛАТИНИ САҚЛАШ, ДАРЁ ЎЗАНИ ҲУДУДИНИ ТУРЛИ ЧИҚИНДИЛАРДАН АСРАШ, ТАБИАТИГА ЗИЁН ЕТКАЗМАСЛИК БОРАСИДА СЕЗИЛАРЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛАЁТИР. БИРОҚ НАТИЖАЛАР КЎЗГА КЎРИНМАЁТГАНДЕК ТУЮЛАДИ.**

Қарши туманининг «Боғобод» маҳалласи, Узун Наво қишлоғи. Унинг ҳудудидан Қашқадарё вилоятининг энг узун ва серсув дарёси – Қашқадарё оқиб ўтади. Бироқ дарё ўзанларига маҳаллий аҳоли томонидан маиший чиқиндилар ва қурилиш материаллари қолдиқларини чиқариб ташлаш одатга айланган. Маҳалланинг кайвонилари эса олдинлари бундай бўлмаганини таъкидлашади.

– Бир пайтлар кўкламда дарё бўйида сайллар ўтарди, – дейди шу ерлик Бўри Худойқулов. – Маза қилиб ўйнардик. Бугун-чи? Дарё соҳили кета-кетгунча чиқиндихонага айланган. Кайфиятинг кўтарилиш ўрнига нафратланиб кетасан. Маҳалламиз билан чиқинди олиб кетувчи ташкилотлар шартнома қилмаган. Шу боис одамлар уларни шу ерга олиб келиб ташлашади. Бир неча бор маҳалланинг фаол йигитлари биргаликда тозалашди. Лекин барибир ташлайверишади. Чиқиндилар чирийди. Ҳар хил эпидемия тарқалиши мумкин. Дайди итлар кўпайиб, касаллик тарқатувчи манбага айланиб қолди. Мутасаддилардан илтимосимиз шуки, бирорта чиқинди ташувчи корхона билан шартнома қилинса, бундан ташқари, дарё бўйларини улардан фойдаланмоқчи бўлган тадбиркорларга бўлиб беришса. Шунда бу ерлар обод бўлиб қолармиди?

Қашқадарёнинг умумий узунлиги 204,2 километрни ташкил этади. Сув ўтказиш қобилияти 500 куб метргача. Вилоятнинг 9 та туманига сув етказиб беради. Дарёнинг қирғоқбўйи минтақа ҳудуди ўнг ва чап томонлардан 55 метрдан, жами 110 метр қилиб белгиланган.

Ачинарлиси, Узун Наводаги ҳолатни 9 та туманда ҳам кузатиш мумкин. Шу ўринда савол туғилади? Масъуллар нега бу ҳолатга жиддий эътибор қаратишмаяпти? Ёки Қашқадарё бизга керак эмасми? Ҳудудда экологик вазиятни назорат қилувчи вилоятнинг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг туман бўлими масъуллари ҳолатдан хабардорми? Хабардор бўлишса, қандай чоралар кўришмоқда?

– Қарши тумани «Боғобод» МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё бўйлари чиқиндихонага айланиб кетгани хусусида мурожаат тушган, – дейди бошқарманинг туман бўлими раҳбари Шуҳрат Аманов. – Мурожаатни ўрганиш давомида дарёнинг муҳофаза майдонига аҳоли томонидан ҳар хил чиқиндилар тўкиб кетилгани аниқланди. Бу ҳолат бўйича маҳалла раисига маъмурий жарима қўлланилди. Қайта такрорланмаслиги учун унга мажбурий кўрсатмалар берилди. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида доимий равишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда назорат-рейд тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Олдинроқ маҳалладаги бир фуқарога нисбатан ҳам маъмурий жарима жазоси қўлланилиб, ҳуқуқий тушунтириш берилганди.

Лекин дарё қирғоғида йиғилиб қолган чиқиндилар уюмидан билиш мумкинки, бу ер йиллар давомида тозаланмаган. Эҳтимол, ёш авлод тушунчасида дарё қирғоғи чиқиндихона сифатида шаклланиб ҳам қолгандир.

Вилоятда Қашқадарёнинг минтақа ҳудудини тоза-озода сақлаш, дарёнинг табиий ҳолатига зиён етказилишининг олдини олиш бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида, афсуски, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасидан маълумот ололмадик.

Қашқадарё вилояти Чиқинди полигонларини бошқариш дирекциясига қарашли 15 та қаттиқ маиший чиқинди полигони мавжуд, 13 та чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси бор. Бироқ маҳаллалар билан корхоналар ўртасида тузилган шартнома бандлари бажарилмаслиги аҳолининг чиқиндиларни ўзлари қулай деб билган ҳудудларга чиқариб ташлашига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат экологик вазият бузилишга олиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги қарорига асосан дарё минтақа ҳудудидан оқилона фойдаланиш юзасидан тегишли ташкилотларга қатор ваколатлар берилган. «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан бу борада баъзи ишлар амалга оширилган.

– Ер майдонларидан унумли фойдаланиш ва даромад олиш мақсадида бошқарма ўз тасарруфидаги сув фонди ерларини ижарага бериш ҳуқуқига эга, – дейди ушбу бошқарманинг бўлим бошлиғи Қўзивой Муродов. – Ерни ижарага олган фуқаролар эса у ерда боғ яратиши, картошка, пиёз, ғалла, сабзи, полиз ва дуккакли экинлар экиши мумкин. Шу мақсадда ўтган йиллар давомида Қашқадарё минтақа ҳудудига қарашли 116,56 гектар ер майдони 84 кишига шартнома асосида берилган. У ерлардан белгиланган тартибда фойдаланиб келинмоқда. Бу эса дарё қирғоқларининг маълум қисми чиқиндихонага айланишининг ва ноқонуний тарзда қум-тош қазилишининг олдини олади.

«Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси берган маълумотларга қараганда, Қашқадарё минтақа ҳудудида 50 мингдан ортиқ кўчатлар ўтқазилган. Лекин дарёнинг узунлиги 204 километрлигини, минтақа ҳудуди икки қирғоқни ҳисоблаганда 110 метрни ташкил этишини ҳисобга олсак, мавжуд майдон 2224 гектарни ташкил этади. Унинг бор-йўғи 117 гектарга яқинидан самарали фойдаланиш дарё ва унинг атрофидаги экологик вазиятни яхшилаш имконини бермайди.

Бекзод Дониёров Қамаши туманидаги «Сарбозор» маҳалласида яшайди. У «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан ижара шартномаси тузиб, дарёнинг қишлоғидан ўтадиган қисмидан 50 сотих ер олди. Айни пайтда ток, турли мевали ва манзарали дарахтлар экиб, парваришлаб келмоқда.

– 20 сотих ерга павлония экдим, 20 сотихда экспортбоп ток парваришлаяпман, 10 сотихини мевали боғ қилдим, – дейди у. – Бу ер илгари чиқиндилар йиғилиб қолган жой эди. Махсус техникалар билан суриб, чиқиндиларни чиқариб, ер очдик. Сўнг боғ ташкил этдик. Илк ҳосилини ҳам олдик. Биринчидан, дарёнинг бўйи, сув муаммо эмас, иккинчидан, дам олиб ётган ер бўлгани учун ҳосил ҳам яхши бўляпти. Атрофимизда ер кўп, лекин қишлоқдошларимизда шартнома тузиб, дарё атрофларини обод қилишга хоҳиш сезилмайди. Бунақада ер чиқиндихонага айланади-да...

Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятнинг қон томиридек гап. Дарёнинг суви сабаб қишлоқ хўжалигида юқори натижаларга эришилмоқда. Ерлар ўзлаштирилиб, янги боғ-роғлар яратилмоқда, экин майдонлари очилмоқда. Бироқ унинг минтақа ҳудудини аянчли ҳолатга келтириб қўйиш бора-бора дарё сувлари заҳарланишига, қирғоқлари заифлашишига олиб келиши, шубҳасиз.

Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, чиқиндиларни олиб кетиш бўйича шартнома тузиш ишлари оқсамоқда, экология ходимлари эса асосан аҳолини жаримага тортишни вазиятнинг ечими, деб билишади. «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси эса минтақа ҳудудидаги сув фонди ерларини ижарага бериш яхши самара келтиришидан умидвор.

Бир сўз билан айтганда, ташкилотлар ва аҳоли ўртасида узвий занжир йўқлиги, дарёнинг экологик вазиятини барқарорлаштириш борасида зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмагани кундай равшан. Бу суви камайиб, ўзанлари кенгайиб бораётган Қашқадарё қирғоқларини норасмий чиқинди полигонларига айланишига сабаб бўлмоқда.



**Баҳодир ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*

# БАҲОНАСИ – МАОШИ КАМ




Дилшод олий ўқув юртини тамомлаб, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. Аммо иш ҳақи уч миллион сўм атрофида экан. Бир ҳафтадан сўнг ҳафсаласи пир бўлиб, бўшашга қарор қилди.

– Уч миллион сўм ойлик беришаркан, шундан 2 миллион сўми йўл ҳақи ва тушликка кетади. Бор-йўғи, бир миллион сўмга овора бўламанми? – дея ота-онаси олдида ўзини оқлади.

Онаси уни бу шаштидан қайтариш учун сўз қотди:

– Ён-атрофимизда шу пулга зорлар ҳам бор...

– Улар ўқимаган, она, мен эса, олий маълумотлиман. Ҳеч бўлмаганда, 6-7 миллион сўм олишим керак.

– Бунинг учун аввал ўзингни кўрсатишинг керак, – дея гапга аралашди отаси.

Аммо Дилшод ўз фикридан қайтмади. Дуогўйларининг панд-насиҳатларига қулоқ солмади. Ишдан бўшади. Айни кучга тўлган, бир рўзғорнинг бошини тутадиган ёшда вақтини ижтимоий тармоқларни титкилаш билан ўтказяпти.

Афсуски, орамизда бу йигит сингари ишлашни истамайдиганлар кўп. Баҳонаси ҳам бир хил – ойлик маош кам.

Тўғри, аксар идора ёки ташкилотларда иш ҳақи рўзғор тебратишга, рисоладагидек яшашга етмайди. Ойликни ойликка аранг етказадиган оилалар кам эмас. Қозони ойлаб гўшт кўрмайдиган хонадонлар қанча? Улар учун саёҳатга чиқиш, қимматбаҳо либослар кийиш, ресторанда овқатланиш, концерт томоша қилиш орзу, холос. Лекин булар ишламаслик учун сабаб бўлолмайди. Чунки берса – ейман, бўлмаса – ўламан, деб яшаш асло тўғри эмас. Бундан фақат ўша инсоннинг ўзи ютқазади. Зеро, бир миллион сўм маош учун ишлашга чидамаган ғурур, бировнинг ҳисобига яшашга ҳам йўл бермаслиги керак.

Анча йил олдин бир масъулга ишсизлик муаммолари ҳақида савол берганимда «Ишлаш мажбурий эмас» деб жавоб берганди. Аслида ишсизлик билан ишламаслик орасида катта фарқ бор. Биз айнан ишламаслик ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Тўрт мучаси соғлом инсон борки, ўзини ўзи эплаши, ота-онага ортиқча юк бўлмаслиги жоиз. Шуни ҳам унутмаслик кераккки, иш фақат тирикчилик воситаси эмас.

Тўғри, ҳаётий эҳтиёж ва зарузатлар, яъни озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак, тиббий хизмат ва бошқалар учун пул зарур. Бироқ инсоният фақат моддият билан боғланиб қолиши ҳам адолатдан эмас. Жумладан, касб-ҳунар инсоннинг шахсий ривожида муҳим роль ўйновчи воситадир. У орқали ўз қобилиятимиз, билим ва малакамизни намоён қиламиз, кўникмаларимизни ривожлантирамиз. Шу билан бир қаторда, жамиятга фойда келтирамиз. Муаллим, шифокор, муҳандис, фермер, олим, ижодкор, ҳайдовчи, деҳқон, чорвадор, хуллас, ҳар бир соҳа вакилининг ҳаётда ўз ўрни, зиммасида вазифаси бор.

Ишлаш орқали инсон ўзининг атрофдагилар учун қанчалик кераклигини англайди. Ҳаётга иштиёқи, ўзига ишончи ошади. Эътибор қилган бўлсангиз, ўз соҳасида муваффақиятга эришган инсонлар ёш кўринадилар, соғлом ва тетик бўладилар. Сифатли турмуш кечирадилар ва узоқ умр кўрадилар. Тайинли иши йўқлар эса турли касалликлар билан тез-тез оғриб қолади.

Ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топган кишилар билан суҳбатлашганимда, болалигидан ота-онаси касб-ҳунар ўргатишгани, ўқувчилик йиллари ёзги таътил даврида бирон-бир идорада фаррошлик қилгани, қишлоқ хўжалигида ишлагани ҳақида эслашади. Айрим фермер ва тадбиркорлар ишчи тополмай, сарсон бўлишини, одамлар уйда бекор ётиши, лекин ишлашга иштиёқи йўқлигидан норози бўлишади.

Биз ўзбеклар меҳнаткашлигимиз билан ном қозонганмиз. Аммо бу хислат бугунги авлодларга юқмаётгани хавотирли. Айрим ота-оналар мен кўрган қийинчиликни фарзандим кўрмасин, деб ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйяпти. Болаликдан эрка ўсган йигит-қизлар машаққатли меҳнатга дош беролмаяпти.

Яна бир гап. «болалар меҳнати», «мажбурий меҳнат»га қарши кураш фонида ёшлар шуурида гўёки иш ёмон деган тушунчани сингдираётгандекмиз. Ҳозир нафақат шаҳар, балки қишлоқлик ўғил-қизлар орасида ҳам меҳнатни хуш кўрмайдиганлари кўпаймоқда. Улар ҳар доим шундай бўлаверади, мен ота-онамнинг топганини еб юравераман, деб ўйлашади. Айрим хонадонларда ё оила бошлиғи, ё бирон ака хорижда қийналиб пул топади. Бошқалар шу пулга кайф-сафо қилиб яшайди. Ўша ота ёки ака қандайдир касалга чалиниб, қайтиб келганида уйда уни даволатишга на пул бўлади, на унга меҳр кўрсатадиган яқин инсон. Бу каби ҳолатлар «қирқимгача отам боқади, қирқдан кейин болам» деган мақолни ёдга солади. Ёшлигида ишлашни ўрганмаган одам рўшноликка эришолмайди. Шу жумладан, фарзандини боқимандага айлантирган ота-оналар қариган чоғида бунинг жабрини тортишади. Боласининг бемеҳрлигидан азият чекишади.

Ҳа, инсон фақат пул учун ишламайди. Шундай бўлганда эди, бадавлат инсонлар ҳеч иш қилмасдилар.

Ривоят қилишларича, чўлда бир сайёҳ тош думалатиб кетаётган кишини учратиб, «Нима қиляпсиз?» деб сўрабди. «Кўрмаяпсизми, тош итариб, азоб чекяпман», деб жавоб берибди ҳалиги одам. Сайёҳнинг олдидан тош думалатиб кетаётган яна бир одам чиқибди. Унга ҳам шу саволни берибди. Ундан «оилам учун меҳнат қиляпман», деган жавобни олибди. Тош думалатиб кетаётган учинчи инсонга ҳам шу савол билан мурожаат қилибди. «Мен бу тошдан гўзаллик яратмоқчиман, токи бутун дунё унга мафтун бўлсин».

Ҳар қандай меҳнат унинг моҳиятини англамаган инсон учун азобли туюлади. Ишлайдиган кишининг эртанги кунга ишончи баланд бўлади. Бугун бир сўмга бажарадиган ишини эртага 10, индинга 100 сўмга, бора-бора ундан ҳам қимматроққа бажарадиган даражага эришади. Меҳнат орқали инсоннинг қадр-қиммати ортади.

Сунъий интеллект тобора ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ёшларнинг фикрламаслиги, ишламаслиги, ижод қилмаслиги, инсоният таназзулига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун – ишлаш зарур. Зеро, ишлаш фақат қора меҳнатдан иборат эмас. Юқорида тилга олганимиз – ишсизлик, иш ҳақининг камлиги каби муаммоларни ҳам фақат яхши ишлаш, ижод қилиш орқали ҳал этишимиз мумкин.



**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
*«ISHONCH»*



## The Economist: Украина АҚШ ёрдамини «юз йиллар» давомида тўлайди

**Украина нодир металлар бўйича Дональд Трамп шартларига асосланган битимни имзолаб, тўловлар юз йилларга чўзилиши мумкин бўлган хавфга дуч келмоқда. Бу ҳақда «The Economist» нашри хабар берди.**

Шартнома шартига кўра, келажакда давлат табиий ресурслари ва инфратузилмасидан олинадиган даромаднинг 50 фоизи Америка махсус инвестиция фондига йўналтирилади. Ушбу маблағлар жами 500 миллиард долларга етгунига қадар тўланиши керак.

«Ҳозирги давлат даромадлари эътиборга олинса, бу жараён юз йиллар давом этиши мумкин», деб ёзади нашр.

Дастлаб Украина фойдали қазилмаларни янги ҳарбий ёрдамга алмаштириш таклифини берган эди, аммо Трамп шартларни ўзгартириб, аввалги ёрдам учун компенсация талаб қилди.



## Улар Трампни кўндиришмоқчи

**Британия бош вазири Кир Стармер ва Франция президенти Эммануэль Макрон Дональд Трампни Россия билан тўғридан-тўғри музокаралардан воз кечишга кўндириш ниятида, – деб ёзади «The Times».**

Нашр маълумотига кўра, Стармер ва Макрон қуйидаги муқобил режани таклиф қилган: агар АҚШ Москва билан музокаралардан воз кечса, Европа Иттифоқи Украина хавфсизлик кафолатларини ўз зиммасига олади, Европа Киевни молиялаштиради, шу билан АҚШ-Россия келишувига йўл қўймайди.

Трамп ҳозирча Европа етакчилари ташаббусига изоҳ бермади.

## Макрон АҚШга жўнаб кетди

Франция президенти Эммануэль Макрон Европа Иттифоқи ва НАТО етакчилари – Европа Комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйен, Европа Кенгаши раиси Антониу Кошта, Германия канцлери Олаф Шольц, Британия бош вазири Кир Стармер, Туркия президенти Режеп Таййип Эрдўғон, Венгрия бош вазири Виктор Орбан билан телефон мулоқоти ўтказди. У кеча Вашингтонга Дональд Трамп билан учрашиш учун етиб борди.

## Зеленский тинчлик ёки НАТО аъзолиги учун лавозимидан кетишга тайёр

Украина президенти Владимир Зеленский можарони тугатиш ёки Украина НАТОга қўшилиши учун лавозимидан кетишга тайёрлигини билдирди.

«Агар сизга менинг кетишим жуда зарур бўлса – тайёрман. Буни НАТОга аъзоликка алмаштиришим мумкин», деди у.




**Оламгир ОТАЁР**
*тайёрлади*

*Инсоннинг оти бўлмаса, ўзи ҳам йўқ демакдир,*
*шунингдек, тили бўлмаган инсон ҳам соқовдир.*
**Исмоил ГАСПИРАЛИ**

2025-YIL 25-FEVRAL
SESHANBA
№ 25 (5089)



# ГАЗЕТАНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

**Яқинда зиёлилар даврасида ўқимишли киши ўтирганларга қўлидаги газетани кўрсатиб, «Қаранг, «Кўрганинг эмас, еганинг сеники!». Сарлавҳани ниҳоятда чиройли, кўринарли қилиб беришибди. Сарлавҳа газетанинг пардози-да!», деди. Эҳтимол, бу гапда ҳам жон бордир, камина шу соҳанинг одами бўлганим учун бу сафар айнан сарлавҳалар ҳақидаги хулосаларим билан ўртоқлашгим келди.**

Аввало, мақола мазмуни сарлавҳада бўй кўрсатиши керак. Бу мезонни миллий матбуотимизга тамал тошини қўйган жадидларимиз – Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Саидризо Ализода, Ҳожи Муинлар ўз мақолаларида акс эттирганлар. Масалан, 1913-1919 йилларда «Самарқанд», «Ҳуррият», «Меҳнаткашлар товуши», «Иштирокиюн» газеталари, «Ойина» журналида юқорида номлари келтирилган маърифатпарвар боболаримиз имзоси билан чоп этилган «Сарт сўзи мажҳулдир», «Тиётр надур?», «Ҳақиқат ҳар тарафдан зуҳур этар», «Тилимиз», «Фарзанд тарбияси», «Самарқандда матбуот аҳволи» каби мақолалар мазмуни уларнинг сарлавҳасидаёқ сезилиб турган.

**Устоз журналист Аҳмаджон Мухторовнинг «Газета – ақл қайроғи, тафаккур чироғи, ижод қаймоғи, юрак қийноғи» деган нақлсифат ибораси ўз даврида ҳамкасблар учун шиор эди. Бош муҳаррир бу гапига, аввало, ўзи амал қиларди. Мабодо қўлига бетакрор, чиройли сарлавҳали мақола тушиб қолса, «вёрстка»ни бузиб бўлса ҳам, ўшани қўйишга интиларди. Ва ҳаракатини «Биласизларми, муаллиф мақола ёзишга ҳам, сарлавҳа топишга ҳам бирдек куч сарфлаган», деб изоҳларди. Ҳар галги «летучка»да гапни газетанинг янги сонидаги мақолалар сарлавҳаларини таҳлил қилишдан бошларди. Ундан кейин Марди Нуриддинов, Ҳабиб Темиров бош муҳаррир бўлганда ҳам бундай муносабат давом этди. Негаки, бу усул Самарқанд журналистика мактабида йиллар давомида шаклланганди.**

Яшириб нима қиламиз, бугун бирорта нашрда «Пленум бўлиб ўтди», «Вилоят кенгаши сессияси», «Ҳашар уюштирилди», «Ҳамшаҳримиз ғолиб», «Мева-чева кўпаяди», «Мактабда Навоий эсланди», «Тақдимот ўтказилди» каби сарлавҳалар қўйилса, у нафақат ўқувчи асабига тегади, балки шу нашр ходимлари малакасизлигини ҳам кўрсатади. Мамлакатдаги янги ижтимоий-сиёсий вазият, очиқлик ва ижтимоий тармоқлар айрим газетачиларга сарлавҳа қўйишда маҳоратдан ташқари жасорат ва билим ҳам кераклигини эслатди. Шу сабабли кейинги 5-6 йил ичида вақтли матбуотдаги сарлавҳаларга «жон» кирди. Хусусан, сиёсий партиялар ўртасида бўлиб ўтган баҳслар чоғида сарлавҳадаги ҳар бир сўзни, ҳатто тиниш белгиларини қўйиш учун ҳам изланишга, қонунларни ўрганишга, ўзбек халқ мақолларини қайта-қайта ўқишга тўғри келди. Натижада диққатни тортадигангина эмас, мақола моҳиятини аниқ очиб берадиган сарлавҳалар юзага келди. Фикримнинг исботи учун улардан айримларини эслатиб ўтсам: «Фаол депутатларсиз демократия бўлмайди» («Ўзбекистон овози»), «Халқ юрагига йўл унинг дардига дармон бўлишдан бошланади» («Адолат»), «Кўнгилларга қулоқ тутайлик» («XXI аср»), «Эзгу ишлар рўёбига нима халал бермоқда?» («Миллий тикланиш»), «Тақиқ эмас, муқобил ечимлар керак» («Оила ва табиат»).

Дарҳақиқат, сарлавҳани бир нафасда ёки бир кўз югуртиришда ўқишга улгурмаса, ўқувчининг ҳафсаласи пир бўлади, газетани шунчаки варақлаб қўя қолади.

Сарлавҳа танлашда тил имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳам маҳорат талаб қилади. Вақт ўтгани сайин мақола ёзиш ва унинг сарлавҳасини танлашга бўлган талаб ҳам ўзгариб бораверади. Бунда газетхон эҳтиёжи ва талаби асосий ўрин тутади.

Сарлавҳанинг ўзбек халқ мақолларидан, ибораларидан олиниши унинг саводлилигини, эътиборни тортишини таъминлайди. Йиллар давомида шууримизда шаклланган бу тушунчалар ўқувчида шундай мақолаларни мутолаа қилишга қизиқиш уйғотади. Мисол учун «Зарафшон» газетасида шу йил ичида берилган айрим сарлавҳаларни келтириб ўтсам: «Қуш уясида кўрганини қилади» (20-сон), «Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар» (20-сон), «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» (19-сон), «Олим бўлсанг – олам сеники» (16-сон), «Уйдаги тарбия кўчада кўринади» (21-сон).

Илгари ҳар бир раҳбарнинг иш столида «Ўзбек халқ мақоллари» рисоласи турарди. Худди шундай, бош муҳаррир столида ҳам. Аҳмаджон Ғуломович уни варақлаб турганини кўп бор кўрганман. Энди-чи? Камина бу хил рисолани нафақат муҳаррирлар, ҳатто айрим тилшунос олимлар қўлида ҳам кўрмаяпман. Яқинда Тошкентдаги китоб дўконларини ахтариб, мақоллар китобини топа олмадим.

Сарлавҳанинг яна бир нозик жиҳатини эслатиб ўтмоқчиман.

Айтайлик, газетада «Боғлар кенгаяди» сарлавҳали мақола босилди. Унда Боғолон қишлоғидаги мавжуд боғ икки гектарга кенгайтирилгани ҳақида ахборот берилган. Лекин кўриниб турибдики, сарлавҳа умумий бўлиб қолган. Агар уни «Боғолон боғи икки гектарга кенгаяди» деб қўйсак-чи? Бу ҳолда сарлавҳага иккита маълумот сингдирилади. «Кўчага сув келди», «Қишлоқ ободонлашди», «Янги мактаб», «Қарз ундирилди» каби сарлавҳалар ҳам юқоридаги сингари бойитилса, биринчидан, муаллифнинг мақсади ойдинлашади, иккинчидан, мақоланинг ўқишлилиги ошади, учинчидан, у эътиборни тортади.

Аслида одамлар газетани ўз ҳаётлари, фаолиятларига оид саволларга жавоб топиш учун ўқишади. Сарлавҳага муайян саволнинг қўйилиши ўқувчи кўнглидаги ўйга мос келса, у ўзи қизиқиб юрган саволга жавобни излайди. Жумладан, «Биз кимларга ҳайкал қўйдик?» («Ҳуррият»), «Гугурт қутисида нечта чўп бор?», «Газ ҳисоблагичлар нега «ухлаб» қоляпти?», «Ёшлар нега оила қуришни исташмаяпти?» («Ишонч»), «Бизнесга оид қайси фикр хато?» («XXI аср»), «Эркатой ҳайдовчиларни тийиб қўйиш вақти келмадимикин?» («Адолат») каби сарлавҳали мақолаларни ўқувчи иштиёқ билан мутолаа қилишига ишонаман. Чунки улар бу саволлар атрофида ўз нуқтаи назарларини ҳам аниқлаб оладилар.

**Савол тариқасида қўйиладиган баъзи сарлавҳаларда эса давр ёки қонун, миллий менталитет талаби эслатиб ўтилади. Бу ҳам яхши усул. Мисол учун, «Осмондаги Ой эмас, саволга жавоб, таклифга муносабат керак», «Тил йўқолса, миллат йўқолади» («Ўзбекистон овози»), «Битирувчи учун кафолатланган биринчи иш жойи керак», «Бургутни какликка айлантирмайлик» («Адолат»), «Исм таваккалига танланмаслиги керак» («Миллий тикланиш»). Бундай сарлавҳалар нафақат партия электоратини, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосини ҳушёр торттириши табиий.**

Тўғри, сарлавҳа топишда маҳоратни ишга солиш, кўп манбаларни қараш, муҳими, ўзига хосликка интилиш шарт. Аммо бу борада ўқувчи савияси ва дидини ҳам унутмаслик зарур. Мен бу гапларни бежиз айтмаяпман. Бир пайтлар матбуот нашрларида «Илон ютган одам», «Туя минган чавандоз», «Тилнинг тилими» каби сарлавҳалар билан мақолалар чиққанида зиёлилар ўртасида жуда кўп мулоҳазалар юзага келганди. Ҳақиқатан ҳам, илон одамни ютганми ёки одам илонни? Чавандоз туя ҳам минадими? Тилнинг тилими нима ўзи? Демоқчиманки, ҳар бир сарлавҳа, аввало, муштарийга тушунарли ва давр руҳига муносиб бўлсин, муаллифнинг айтмоқчи бўлган гапига мос тушсин.

Бир қарашда, сарлавҳа қўйиш газетачиликдаги ўнта вазифанинг биттасидек кўринади. Аслида бундай эмас, мақола ёзиш сарлавҳа топиш, қўйишдан бошланади. Сарлавҳа ўзида нафақат ижодкор маҳоратини, балки жамиятдаги муҳитни ҳам акс эттиради. Қолаверса, мутахассислар тарихни яратишда, уни қоғозга туширишда, энг аввало, матбуот нашрларидаги сарлавҳаларга асосланади. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети олимлари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бу борадаги тажрибалар ҳақида ихчам қўлланмалар яратса, имкони бўлганда, журналистлар иштирокида ўқув машғулотлари ёки мунозаралар уюштирса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Энди сўзимнинг ибтидосидаги фикрга тўхталсак. Умуман, газетадаги ҳар бир белги пардоз саналади, жумладан, сарлавҳа ҳам. Бироқ сарлавҳа, назаримда, пардоздан кўра, кўпроқ муаллифнинг ташриф қоғозига, таҳририят савиясининг меъёрига ўхшаб туюлди.

Сиз нима дейсиз, азиз ҳамкасблар?



**Фармон ТОШЕВ,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист*

# ИЗ ҚОЛДИРИШ ОСОН ЭМАС



Ҳокимлар ҳақида яхши-ёмон фикрлар кўп. Мен икки ҳоким фаолияти тўғрисидаги китобни ўқиганман. Биринчиси, анча йиллар бурун Сирдарё вилоятида ишлаган бир ҳоким ҳақида эди. Аммо бу асар ўқувчилар назарига тушмасиданоқ жиддий эътирозларга сабаб бўлди. Айниқса, ўша вақтдаги вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров катта бир йиғилишда асар «қаҳрамони»га яхшигина «баҳо» берди.

– Элнинг юки оғир бўлади. Бу масъулиятни зиммасига олган инсон, энг аввало, халқ дарди билан яшаши лозим, – дея гап бошлади у. Сўнгра ўша ўз номига «битик» биттирган ҳокимни жойидан турғазиб, сўзида давом этди. – Сен номингни тарихга муҳрлаб қўйишни истабсан, қаршилик йўқ. Аммо Гулистон шаҳридаги маҳаллаларга бир боқдингми? Кўрсатган кароматинг шаҳарга кўрк берадиган кўчада ҳеч бир режага асосланмаган 150 та дўкон қуришга изн берганинг бўлди, чоғи. Пала-партиш қурилишдан халқ азоб чекяпти. Шаҳарни обод қилиш учун амалга оширган бирор ишингни айт, сени мадҳ этилган китобга киритайлик...

Кўп ўтмасдан ўша «китоб» ҳам, ҳоким ҳам одамлар хотирасидан ўчиб кетди.

Иккинчи китоб эса, «Жоним фидо бўлсин, сенга элим!» деб номланган. Бу китоб Қўшработ ва Каттақўрғон туманлари ҳамда бир муддат Самарқанд вилояти ҳокими бўлиб ишлаган Аъзамхон Баҳромовнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятига бағишланган. Марҳум Аъзамхон Баҳромов халқ меҳрини қозона олган раҳбар эди. Ҳар икки туман аҳолиси бу инсон ҳақида фақат илиқ гаплар айтишади.

– Туманимизни кўп инсонлар бошқарди. Раҳбар билан раҳбарнинг фарқини Аъзамхон Баҳромов ҳоким бўлгач, ҳис қилдик, – дейди қўшработлик меҳнат фахрийси Камолиддин Саидов. – Ички йўлларни қўя туринг, марказий кўчалар кундуз куни қоқилиб йиқиладиган даражага келиб қолганди. У кишининг раҳбарлигида марказий қўрғонда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қўшработни ўттиз йиллик мудроқликдан уйғотди. Одамлар руҳиятидаги ўзгаришлар, туманнинг бугунги қиёфаси бош меъмори ана шу инсон бўлган. Халқимиз у кишини сира эсдан чиқармайди.

Аъзамхон Баҳромовнинг Каттақўрғон туманидаги фаолиятини бир-иккита мақола билан ёритиб бўлмайди. Шу боис каттақўрғонликлар истаги асосида каттагина ҳажмда китоб яратилди. Китоб ҳақида уни нашрга тайёрлаган Муҳаммадали Эргашев, Одил Олимжонов ва Жаҳонгир Сафаровлардан ўтказиб, бирор гап айтиш қийин.

Яхшилар ёди эл хотирасида мангу яшаркан. Халқ меҳрини қозонган инсон яқинда яна эсланди. Туман марказида ташкил этилган хотира тадбирида туман фаоллари, марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари, дўстлари, касаба уюшмалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, фидойи инсонни ёд этишди.

– Тадбир доирасида ташкил этилган «Заковат» ўйинига ҳомийлик қилдик. Унда каттақўрғонлик ёшлар ва катталардан иборат 16 та жамоа иштирок этди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Ферузбек Раззоқов.

Турли соҳа вакилларидан иборат билимдонлар баҳсида бош соврин «Ёшлар» жамоасига насиб этди. «Оловли Каттақўрғон» ҳамда «Ўқитувчи» жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди. Ғолиб жамоалар аъзоларининг барчасига касаба уюшмалари томонидан Хоразм вилоятига 3 кунлик бепул саёҳат йўлланмаси топширилди.

**Нурбек ФАХРИДДИНОВ**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Аҳмедовна Курбанбаевага отаси
**Аҳмед ота КУРБАНБАЕВ**
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда ҳududдаги барча тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Каттақўрғон тумани кенгаши раиси Азамат Кенжаевга онаси
**Хосият она ТУРСУНОВА**
вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

# БОБОМ ЭККАН ДАРАХТЛАР

**1940 йилларда Матвафо бобом урушга кетишларидан олдин уйимиз атрофидиги ариқ бўйиларига тут, жийда, ўрик, олма, оқ терак, тол, гужум, туронғил кўчатларини экиб кетган экан. Йиллар ўтиб мевали дарахтлар ўз ҳосилини берган. Айниқса, урушдан кейинги очарчилик, қаҳатчилик йилларида момоларимиз оқ тутлар, ўрик мевалари, қоқилари, жийдаларни қишга ғамлаб қўйишган. Шулар билан жон сақлаб баҳорга чиқишган.**

Ҳозир бобом эккан тутлардан 5-6 тупи сақланиб қолган, холос. Улар биз учун тирик ёдгорлик. Мен Матвафо бобомни кўрмаганман, лекин иккинчи жаҳон уруши жангларида қатнашиб, ҳалок бўлганини биламан.

Ўтган йили опам бизларга ташвишли қўнғироқ қилиб, қишлоғимиздаги Эркабой фермер уйимиз олдидан ўтган ариқни қаздириб тупроқларини ўзининг ғишт заводига олдиргани, ариқ бўйида ўсиб турган тол, терак, жийда, беҳини таг-туги билан суғуртириб ташлаганини айтди. Йиллар давомида ҳар йили эрта баҳорда дов-дарахтларимизга ин қуриб полапон учирма қиладиган турфа қушларнинг уялари ҳам бузилди, чуғур-чуғурлари тинди.

Вақт ўтиб фермернинг невараси касалланиб, юролмай қолди. Ҳиндистонга олиб бориб даволатиб ҳам келди, аммо фойдаси бўлмаган. Бола умрбод ногиронга айланди.

Пойтахтга келганимга ҳам 20 йилдан ошди. 2014-2015 йилларда бизлар истиқомат қилаётган Аспирантлар ётоқхонаси олдидаги йўл бўйида ўсаётган азим чинорлар, тераклар бирданига кесила бошлади. Сабабини суриштирсак, тераклар эрта баҳорда гуллаганда ўзидан кўзга кўринмас чанглар чиқариб, инсонларда аллергик касалликлар келтириб чиқараётганмиш...

Оқибатда нима бўлди? Тошкент шаҳри ҳавоси ифлослиги бўйича дунё мамлакатлари орасидаги рейтингда юқори ўринларни кўрсатмоқда. Бундан 50-60 йил илгари пойтахтда туғилиб ўсган ва яшаган инсонлар тераклар ёки чинорлар туфайли аллергик касал орттирмаганлар. Аксинча, дов-дарахтлар транспортлардан, турли завод-фабрикалардан чиққан заҳарли газларни ютиб шаҳар ҳавосини тозалаб, атроф-муҳитга гўзаллик бахш этиб турган.

Дов-дарахтларга қирон келтириш фақатгина Тошкент шаҳрида эмас, бошқа вилоятларда ҳам урчиб кетди. Ҳозирги кунда менинг киндик қоним томган Урганч тумани, Юқорибоғ қишлоғида бирорта кекса чинор, оқ тол, тут, жийда, жигилдак дарахтини ахтариб топа олмайсиз. Энг ачинарлиси, ҳозирги авлод ҳатто улар қандай дарахт эканлигини ҳам билишмайди.

Ҳар гал қишлоғимга борганимда бобом эккан оқ тут мени мунгли қарши олади. Катта сершоҳ новдалари чопиб ташланган. Агар инсонларда она табиатга меҳр-шафқат бўлганида эди, оқ тутлар меваларидан шу кунгача ҳам баҳраманд бўлишарди. Аслида дунёни яшиллик қутқаради, яшиллик асрайди.

**Марҳамат МАТВАФАЕВА,**
*биология фанлари номзоди*



Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!




MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** D. Ibrohimov
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 22:30
**Topshirildi –** 22:50

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 427 та**

**Shundan:**
**6 246 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**18 273 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**7 908 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda **chop etildi.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига босмахона масъул.**

**Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G-211**

1 2 3 4 5 6